

Тошкент ш.

2022 йил « 09 » 06

“O'zbekiston ilmiy-sinov va sifat nazorati markazi” давлат муассасаси (“UzTest” DM), бундан буён “Ижрочи” деб аталувчи номидан Устав асосида иш юритувчи

(Устав, ишончнома)

Директор

Ж.И.Фаниев,

бир тарафдан, ва

(лавозими)

(Ф.И.Ш.)

«O'zbekiston Metallurgiya Kombinati» AJ,

бундан буён “Буюртмачи” деб аталувчи

(хўжалик субъектнинг номи)

номидан 2021 йил 01-1/2827 сонли ишончнома асосида иш юритувчи ижрочи директори Д.Ахмедов,

(Устав, ишончнома)

(лавозими)

(Ф.И.Ш.)

иккинчи тарафдан, биргаликда “Тарафлар” деб аталувчилар, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Ижрочи буюртмалар асосида буюртмачи томонидан ишлаб чиқариладиган (импорт қилинадиган) маҳсулот (товар) ларга нисбатан сўралган хизматларни амалга оширади (кейинчалик- “Хизматлар”), буюртмачи эса ушбу хизматларга ҳақ тўлайди ва унинг натижаларини қабул қилади.

2. Шартнома баҳоси ва тўлов шартлари

2.1. Шартноманинг тахминий суммаси 1 369 760 000 (Бир миллиард уч юз олтмиш тўққиз миллион етти юз олтмиш минг) сўмни ташкил этади, шу жумладан ҚҚС (ҚҚС билан).

2.2. Буюртмачи буюртма берган кундан бошлаб 3 (уч) банк кунидан кечиктирмасдан, Ижрочининг ҳисоб рақамига тўлов топшириқнома орқали Ижрочи томонидан ёзиб берилган тўлов учун ҳисобга асосан хизмат ҳақини олдиндан тўлиқ тўлаб беради.

2.3. Ижрочи кўрсатилган Хизматлар далолатномаси асосида Буюртмачига ҳисоб-факту ёзиб беради.

2.4. Хизматлар баҳоси нархлар (тарифлар) прејскурантига асосан белгиланади.

2.5. 2019 йил 15 августдаги ПҚ-4419 қарорининг 14-бандига кўра мувофиқлик белгисидан фойдаланганлик учун Буюртмачи Ижрочининг ҳисоб рақамига бир марталик тўловни базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари миқдорида мувофиқлик белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги шартнома тузилган кундан 3 банк ичида тўлаб беради.

2.6. Тарафлар кейинги чорак биринчи ойининг 10-санасигача ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирувини амалга оширадилар.

3. Хизматлар кўрсатиш шартлари

3.1. Ижрочи, унинг ҳисоб рақамига 2.1.б.да кўзда тутилган пул маблағлари келиб тушган ва буюртмачидан барча керакли ҳужжатлар олинганидан сўнг, хизматларни кўрсатишга киришади.

3.2. Хизматлар кўрсатишнинг умумий муддати, Хизматларнинг қийинлик даражаси, сермашаққатлиги ва ўзига хос хусусияти эътиборга олиниб, пул тўланган кундан 10 ишчи кунидан 1 ойгача чегараларида ўрнатилади.

3.3. Хизматлар кўрсатилиб бўлинганидан сўнг, Буюртмачи Ижрочи томонидан тайёрланган кўрсатилган Хизматлар датолатномасини имзолайди ёки кейинги кундан кечиктирмасдан, хизматлар натижаларини қабул қилишни асосланган рад этишини юборади. Буюртмачи томонидан кўрсатилган муддатларда бундай ҳаракатларни бажарилмаслиги, Буюртмачи томонидан автомат равишда маъқуллаш, кўрсатилган Хизматлар далолатномасига розиликни билдиради.

3.4. Бажарувчи томонидан кўрсатилган Хизматлар натижалари синов баённомаси ва (ёки) мувофиқлик сертификати, эксперт хулосаси, маркировка таржимаси қўйинишида расмийлаштирилади ва Буюртмачига ушбу Шартноманинг 2.2.б.да кўрсатилган тўлов учун ҳисобга асосан сумманинг тўлиқ тўлови амалга оширилганидан кейин берилади.

3.5. Ўтказилган синовларнинг ва маҳсулотларни сертификатлаштиришнинг қониқарсиз натижалари амалга оширилган тўловларга таъсир кўрсатмайди.

3.6. Хизмат натижаларини Буюртмачининг вакили ишончнома асосида қабул қилади.

4. Тарафларнинг мажбуриятлари

4.1. Буюртмачи мажбур: хизматлар ҳақини 2.1., 2.4. бандларига мувофиқ амалга оширишга; керакли техникавий хужжат ва маълумотларни тақдим этишга; **Ижрочига** меъёрий хужжатда кўзда тутилган миқдордаги маҳсулот намунасидан танлов амалга ошириш имконини беришга; **Ижрочининг** сўровига кўра, ушбу **Шартнома** доирасида топшириқни амалга ошириш учун керакли қўшимча маълумотларни тақдим этишга; кўрсатилган **Хизматлар** далолатномасини имзолашга ёки ушбу **Шартноманинг** 3.4.б.да ўрнатилган муддатларда, **Хизматлар** натижаларини қабул қилишни асосланган рад этишини тақдим этишга; **Ижрочи** томонидан тайёрланган натижаларни олишга; ўзаро солиштириш далолатномани имзолашга.

4.2. Ижрочи мажбур: **Буюртмачига** хизматлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотни тақдим этишга, ҳар бир юзага келадиган масала бўйича ўз вақтида маълумот беришга; **Буюртмачи** томонидан тақдим этилган маълумотларни овоза қилмасликка, ва маълумотлар маҳфийлигини таъминлашга; ушбу **Шартнома** билан кўзда тутилган **Хизматларни** ўрнатилган муддатларда амалга оширишга; **Буюртмачига** ҳисоб-фактурани ёзиб бериш ва **Хизматлар** натижаларини тақдим этишга; ўзаро солиштириш далолатномани имзолашга.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Шартнома талабларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун **Тарафларга** Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Ушбу Шартнома бўйича низолар Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

7. Форс-мажор

7.1. Агар мажбуриятларни бажармаслик **Тарафларнинг** истак-ҳоҳишларига боғлиқ бўлмаган (уруш ҳаракатлари, табиий офатлар, ҳукумат қарорлари), ваколатли органлар томонидан хужжатлар асосида тасдиқланган, форс-мажор ҳолатлар натижасида юзага келган бўлса, **Тарафларнинг** ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун жавобгар бўлмайдилар.

8. Амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома икки тараф томонидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва **Тарафлар** ўз мажбуриятларини бажармагунча амал қилади.

8.2 Тарафлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари ва ҳисоб-китобларнинг тўлиқ бажарилиши билан тугатилади.

9. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, Шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат туганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб олдилар.

9.2. Тарафлар Шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф Шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар (откат) берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан Шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан чоралар кўради.

9.4. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўришни ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоида бузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. Бошқа шартлар

10.1. Ушбу **Шартнома Тарафлар** имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

10.2. Ушбу **Шартномага** киритиладиган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар, агар улар ёзма кўринишда амалга оширилган ва ҳар икки тараф томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

10.3. Нархлар (тарифлар) тўлов учун белгиланган муддат давомида ўзгарган бўлса ва тўловлар ушбу муддатда амалга оширилмаган тақдирда, **Хизматлар** баҳоси қайта кўриб чиқилади.

10.4. Агарда буюртмачи олдиндан белгиланган тартиб ва муддатда тўловни амалга оширмаса, ушбу шартнома ижрочи томонидан буюртмачига билдириш хати юборилмасдан, бир тарафлама бекор қилинган деб ҳисобланади.

10.5 **Ижрочи** буюртмачи томонидан мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш мақсадида неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закат ҳамда қонунчилик ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

10.6. **Шартнома** бир хил юридик кучга эга иккита асл нусхада тузилди.

11. Тарафларнинг юридик ва почта манзиллари, алоқа воситалари ва банк реквизитлари

Ижрочи
Юридик манзил: 100049, Тошкент ш.,
Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 333А
СТИР 204 250 504
Почта манзили: 100129, Тошкент ш.,
Яккасарой тумани, Чўпон ота/ Боғи Бўстон
кўчалари, 210

Тел.: 71 202 00 11 (ички 1122, 1133)
е-почта: info@uztest.uz; uztest@exat.uz

х/р: 2021 0000 8042 1840 2001
“Туронбанк” АТБнинг Тошкент ш. МАБси
МФО 00446, ИФУТ 71200


Буюртмачи
«O'zbekiston Metallurgiya Kombinati» AJ
Бекобод шаҳар, Сирдарё кўчаси 1-уй ;
Х/р: 2021 0000 8004 6818 3001;
Bank: АТИБ “Ипотека Банк”
Бекобод филиали;
MFO: 00489; STIR: 200 460 222;
Tel: (90) 131-63-23.

12. Тарафларнинг имзолари ва мухрлари

Ижрочи:
М.у. 
2022й. « ____ » _____

Буюртмачи
М.у. 
2022й. « ____ » _____

Ижрочи 

Бўлинма раҳбари 

Бош бухгалтер _____

Юридик хизмат _____

ВИЗОВЫЙ КОНТРОЛЬ	
Нач. структурного подразделения	<i>[Signature]</i>
Нач. отдела комплаенс-контроля	<i>[Signature]</i>
Нач. управления экономики	<i>[Signature]</i> Сул. 09.08.2015.
Главный бухгалтер	<i>[Signature]</i>
Юридический департамент	<i>[Signature]</i>

[Signature]

[Signature]